



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САҢЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan • www.uzas.uz • 2008-yil, 19-dekabr • № 51-52 (3983)

БАДИЙ НАСР ТИЛИ ВА ДАВР

Бадий наср тили ҳақида гап кетганда беихтиёр атоқли адиб Асқад Мухторнинг “Сўзни қайлиқ сайлагандек суйиб сайла...” деган сатри ёдга келади. Дарҳақиқат, ижодкор истеъдоднинг бирдамчи белгиси ҳам унинг сўз сайлашида кўринади.

Замонавий адабиётимизда, хусусан, ҳозирги ўзбек насрида бадий насрлар тили билан боғлиқ муаммолар, ютуқ ва камчиликлари адабий танқиднинг долзарб мавзуридан бўлиб турибди. Зеро, ўзгариб бораётган шиддатли замон бадий тафаккурда ҳам ўзгартириш ва янгиланишларга туртки бераётди. Бу, ўз навбатида, бугунги ўзбек насри тилида ҳам акс этаётди. Айни шу ҳодиса билан боғлиқ жараёнлар, айбонлар, тажриба ва муаммолар ҳақида фикрлашиб олиш учун бир гуруҳ адабиётшунос олимларни, мунаққидларни “Бадий наср тили ва давр” деб номланган давра суҳбатига чорлади.

Куйида ЎзФА академиги Бахтиёр Назаров, филология фанлари докторлари Умарали Норматов, Қозоқбой Йўлдош, Баҳолир Карим, Дилмурод Қуროнов, филология фанлари номзодлари Улўғбек Ҳамдам ва Фулол Каримнинг айни мавзудаги фикр-мулоҳазалари, кузатишлари, тақлиф ва истақлари билан танишасиз.

Бахтиёр НАЗАРОВ: — Бадий тил бадий тафаккур маҳсули. Айни вақтда, бадий тил бадий тафаккурга таъсир кўрсатади, уни ривожлантиради, ўзгартиради, жонлантиради.

Ёмон тил билан яхши асар ёзиб бўлмайди. Жаҳон адабиётидаги барча буюқ асарлар, аввало, бадий тил билан гўзал. Чунки бадий асарнинг таровати, авваломбор, унинг тилида намоён бўлади. Таржимада бўш, савз чикқан машур асарлар ўқишлигини, таъсир кучини йўқотишининг ҳам асосий сабаби шунда.

Сўнги бир аср давомида адабий тилимиз, шу жумладан, бадий тилимиз ҳам ўзига хос тараққиёт йўлини босиб ўтди. Лекин бадий тил борасида бундан салкам юз йил олдин яратилган “Ўткан кунлар” даражасидаги гўзалликка, тароватга етолдикми, йўқми?..

Айтмоқчиманки, умумий адабий тил бўлиши мумкингина эмас, зарур, лекин умумий бадий тил, назаримда, бўлмайди, шекилли. У кўпроқ алоҳида асар

учун, алоҳида адиб учун хос ҳодисадир. У тақрирланмаслиги керак бўлган ва моҳият тақрирланмайдиган ҳодисадир. Энди “Ўткан кунлар” ҳамда “Кеча ва кундуз” романилари даражасидаги бадий тил билан асар яратиш мумкин эмас. Агар яратилган тақдирда ҳам тақрир ва қайтариққа йўл қўйилган бўлур эди.

Ҳозир энди ўша машур асарлардек тил нуқтаи назаридан таъсир кўрсата олиш экинчи, янги тароватли, янгитдан кашф этилган бадий тил керак. Янги адабиётимизда бунга мисоллар йўқ эмас. Масалан, Ғойи Муроднинг қиссалари, “Отамдан қолган далалар” романи бадий тил нуқтаи назаридан ана шундай янглик бўлди.

Умарали НОРМАТОВ: — Умуман, ёзувчилик, шoirлик истеъдоднинг илк белгиси бадий тил. Ижодда ўз дунёси, ўз йўлига эга бўлган қалам аҳлининг,


албатта, ўз тили, ўз овози бўлиши табиий ҳол. Чин истеъдод эгасининг “сўз санъаткори”, “сўз зарғари”, “сўз сеҳраги” деб аталishi тасодифий эмас. Миллий адабиёт тарихи бу, айни пайтда, она тили тарихидир. Минг йиллик ўтмишимизни қўйиб турайлик-да, кейинги бир асрлик миллий адабиётимизни кўз олдимизга келтирайлик. Айни шу даврда янги миллий адабиёт асосчилари улкан миссияни адо этидилар — бадий тилимиз тарихида туб бурилиш ясагаша мушарраф бўлидилар. Оғир, ўта зиддиятли мустабид замонда яшаб ижод этган Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Ғ.Ғулом, А.Қаҳҳор каби сўз усталарининг ноҳид асарлари орқали жаҳон халқлариникидан асло қилинмайдиган чин маънодаги замонавий адабий-бадий тилимиз шаклланди, камол топди. XX аср иккинчи ярми ижод майдони даргалари — Саид Аҳмад, Шўхрат, Асқад Мухтор, О.Ёқубов, П.Қодиоров, Э.Вохидов, А.Орипов, Р.Парфи, Х.Тўхтабоев, Ш.Ҳолимирзаев, У.Ҳошимов, Т.Мурод сингари ўз сози, овозига эга адибларимизнинг сара асарлари миллат қалби, руҳияти, тафаккуридаги жараёнларнинг кўзгусига айланди...

Кейинги 15-20 йил давомида, тарихимизнинг туб бурилиш палласи — истиқлол йилларида мустақил мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига дадил қириб бориши, бугунги жаҳон тамаддунига хос ҳаёт тарзи — информатика, глобаллашув, постмодерн дунё ҳодисалари билан ҳамнафас қадам ташлаётганлиги, мамлакатимизда жамиятнинг ислоҳ қилиш жараёни кетаётганлиги натижаси ўларок, миллат маънавияти, тафаккурида туб ўзгариш-янгиланишлар кечаётганлиги, энг муҳими, она тилимиз давлат мақомига эга бўлганлиги, унинг нуфузи бениҳоя юксак даражага кўтарилганлиги — Сизу биз мана шу кўп қиррали сисилаларнинг шоҳиди ҳамда иштирокчиси эканлиги билан фахрланамиз. Бугунги адабий тилимиз, хусусан, наср тили устида сўз кетганда мана шу тарихий жараёнларни четлаб ўтиб фикр-мулоҳаза юритиш асло мумкин эмас.

Давоми тўртинчи бетда.

Давра суҳбати

ғанлиги, мамлакатимизда жамиятнинг ислоҳ қилиш жараёни кетаётганлиги натижаси ўларок, миллат маънавияти, тафаккурида туб ўзгариш-янгиланишлар кечаётганлиги, энг муҳими, она тилимиз давлат мақомига эга бўлганлиги, унинг нуфузи бениҳоя юксак даражага кўтарилганлиги — Сизу биз мана шу кўп қиррали сисилаларнинг шоҳиди ҳамда иштирокчиси эканлиги билан фахрланамиз. Бугунги адабий тилимиз, хусусан, наср тили устида сўз кетганда мана шу тарихий жараёнларни четлаб ўтиб фикр-мулоҳаза юритиш асло мумкин эмас.



*Баҳор — экин ҳаёт, бу аён тағриф,
Аmmo қишнинг ҳам хуш ниятлари бор:
Ёрун келажакка оқ йўл бўлай деб,
Ўйлақлар усунга ёнаётини қор.*

Ғазетхон тақлифи

ОИЛАНING “ОИЛА КИТОБИ”

Мутахассислигим бўйича қурилиш мутахассисман, ammo адабиётга ихлосим банд. Таниқли адибларимизнинг китобларини, адабиёт газетасининг доимий равишида ўқиб бораман. Аслида, ҳар бир газета ахборот воситаси сифатида ўқувчини янгиликлардан хабардор қилиш билан бирга, уни фикрлашга ундаши, фикр майдонига етаклаши лозим. Бу жиҳатдан “ЎЗАС”чи ижодкорларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Кейинги пайтларда айни шу газетада, бошқа баъзи нашрларда ҳам, мактаб дарсликлари тўғрисида баҳс-мунозаралар бўлмоқда. Уларни синчиклаб ўқир эканман, мен тушунган нарса шу бўлдики, бугун, мустақиллик шароитида ёзилган кўпгина ўқув кўнамалярида ҳам камчиликлар етарли экан. Чунки, кўпчилик дарсликларнинг мураккаб тили, ўзлаштиришга оғирлиги ҳақида фикр юритилган. Кишлоқ мактабларида дарс бераётган оддий ўқитувчиларнинг фикри ҳам шунга ақин. Демак, дарслик қисқа, содда ва раvon тилда ёзилган бўлиши лозим. Бу тўғрида мутахассислар ўйлаётган бўлишлари керак. Мен эса бир тақлиф айтмоқчиман.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб оила, она ва бола саломатлиги, фарзандлар тарбиясига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу хусусда давлатимизнинг махсус дастурлари ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Оиланинг мустақамлиги, жамиятнинг бу митти яъне касидаги соғлом муҳит миллий тараққиётга бевосита дахлдор эканлиги эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Токи шундай экан, ҳар бир хонадон учун зарур бўлган “Оила китоби” ни яратиш вақти келмадиимики?!

Бу китобда, тасаввуримча, куйидаги мавзулар қисқа ва лўнда қилиб ёритилган бўлиши керак: Оила — жамиятнинг муҳим пойдевори, Мамлакатимиз қончилигида оилага муносабат, ота-оналар ва фарзандларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, бир-бирлари олдидagi масъулияти, улуғ алоомаларнинг ота-онага ҳурмат-эҳтиром, фарзанд тарбияси, илм олиш, хунарли бўлиш тўғрисидаги ҳижмавлари, Оилада шарқона маданият, оилавий урф-одатлар ва ҳоказолар. Албатта, бу мавзуларни янада кенгайтириш мумкин. Муҳими, агар шу мазмундаги китоб ҳар бир оиланда бўлса, ота-оналар, фарзандлар, набиралар иштирокида мутолаа қилинса, гўзал иш бўларди-да...

Абдулхамид ҲАЙДАРОВ

Чортоқ шахри

ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ!

“НАВРЎЗ — БОҚИЙ БАЙРАМ”

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Халқаро “Наврўз” хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда халқимизга хос бўлган меҳр-оқибат, қадриятлар, хайр-саҳават каби фазилатларни, шунингдек, бағрикенглик, ҳамжихатлик, аҳиллик, ўзаро ҳурмат сингари миллий қадриятларимизни фўқаролар, айниқса, ёшлар онгу шуурига чуқурроқ сингдиришда ОАВнинг ролини кучайтириш, журналистларнинг фаолигини ошириш ҳамда уларда янги ижодий ёндовуларни шакллантириш рағбатлантириш мақсадида “Наврўз — боқий байрам” танловини эълон қилади.

Тернет нашрларида эълон қилинган материаллар 2009 йилнинг 1 мартига қабул қилинади.

“Наврўз — боқий байрам” танлови куйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- телевидение бўйича энг яхши журналистик иш учун;
- радио бўйича энг яхши журналистик иш учун;
- даврий матбуот бўйича энг яхши журналистик иш учун;
- интернет нашрлар бўйича энг яхши журналистик иш учун.

Ҳар бир номинация бўйича унга: 1-, 2-, 3-ўрин таъсис қилинади. Ғолиблар олган ўринларига қараб қиймати турлича бўлган ноутбутир билан мукофотланади.

Материаллар “Наврўз — боқий байрам” деб кўрсатилган ҳолда 2009 йил 1 мартга қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент ш., Навой кўчаси, 30-уй, 3 қават 30-, 35-ва 37-хоналар.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Тел: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87

ЎЗБЕК ЦИРКИНИНГ ЮТУҒИ



Дондгор цирк устаси, чавандоз Зариповлар сулоласининг давомчиларидан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Улўғбек Зарипов томонидан 2007 йили тайёрланган “Ўзбекистон амазонкалари” номери цирк санъати усталари, мутахассислар томонидан нобҳо томоша сифатида эътироф этилди.

Ирина Панкова, Албина Танашева, Евгения Бобровадан иборат чавандоз кизлар гуруҳи ихросидаги мураккаб ва бетакдор трюкларга эркаклар ҳам ҳавас қилса арзийди. Хитойда ўтган ижодий сафар чоғида ўзбекистонлик чавандоз кизларнинг чиқшлари катта олқишларга сазовар бўлди.

Наҳжин шаҳридаги цирк очилиши тадбирларида бу кизларнинг чиқшлари юксак баҳолини, Хитой Гиннеслар рекорди китобига киритилди.

Жамоанинг бу ютуғини Зариповлар санъатининг жаҳонда яна бир қарра эътироф этилиши дейиш мумкин. Мазкур номерни тайёрлашда ўзбек цирк санъати оқоқоли, 85 йшли Ҳаким Зариповнинг ҳам бекиёс хизмати бор.

Рекорд трюкни фақат хайбат аъзолари эмас, Пекин ва Шанхайдаги йирик хитой цирклари директорлари ҳам кузатиб турдилар. — дейди Улўғбек Зарипов. — Чиқшиимизни ҳайрат ва ҳаёжон ҳамда олқишлар билан кўтиб олганлари гуручимизга гурур кўшиди. Бу номерни яратишда Тошкент эстрада-цирк коллежи ўқувчиси Албина Танашева профессионал артислар билан бир сафда иштирок этди. Янги томоша устидаги изланишларнинг давом этирилиши, томошабинларни хали бундан-да мукамил чиқшлар билан хурсанд қилиш ниятида.

ЁШЛИКНИНГ ҲАР ЛАҲЗАСИ ГЎЗАЛ

аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган “Янги авлод” фестивалининг иш бошлаганига эндигина тўрт йил бўлди. Ammo шу қисқа муддат ичиде мазкур танлов ўз атрофига минглаб жажжи ўғил-қизларни бирлаштирди. 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларнинг мумтоз чоғу асбоблари, тасвирий санъат, рақс, бадий ижод каби ўнлаб йўналишлардаги маҳоратларини кашф этиш йўлида бошланган бу хайри иш ўз самарасини бермоқда. Агар дастлабки йили ўшбу танловда иштирок этишни хоҳловчилар 300 нафарни ташкил этган бўлса, бу йилга келиб аривалар ўн олти мингдан ошиб кетди. Бу эса, мактаб ёшидаги болаларнинг ўз иқтисодига, имкониятларига бўлган ишончининг ортиб бораётганидан далолатдир.

“Келажак овози” республика иқтисодлари ёшлар танловининг асосий мақсади ҳам изланувчан, фаол йигит-қизларни аниқлаш, улар сафини кенгайтириш, истеъдодини юзага чиқариш ва рағбатлантириш, энг муҳими эса, келгусида жамиятимиз учун зарур кадрларни тарбиялашдир. Танлов доира-сидаги илм-фан, тасвирий ва амалий санъат, ахборот технологиялари ва спорт сингари номинациялар юртимиздаги барча ёшларни қизиқтирмоқда. Узининг ақлий салоҳияти, куч ва иродаси, истеъдодларини тўла намоён этишлари учун яратилган шароитларни кўриқ-танлов иштирокчиларига кўтаринки руҳ бағишламоқда. Бу йилги саралаш босқичларида ҳам жами 54 мингдан ортиқ ёшлар иштирок



FUND FORUM.UZ

“ТОШКЕНТ ҚУВОНЧЛАРИ”

Пойтахтимиздаги Тасвирий санъат галереясида ўтаётган “Тошкент қувончлари” II халқаро болалар расмлари биеналеси бугун ўз ишини ақунлайди. Юртимиз ёш расмларининг жаҳон замонавий санъатининг янги шакллари ва голяри билан мулоқотини кучайтириш мақсадида ташкил этилган бу кенг миқёсдаги тадбирда беш ёшдан ўн

ҳамда Ўзбекистоннинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистондан иқтисодиётли болалар қатнашди. Ёш ижодкорларнинг “Болалик”, “Ёшнинг Ватани”, “Мен яшаётган олам”, “Тошкентни яхши биланман” каби мавзулари ва эркин мавзуда ишлаган мингдан ортиқ асарлари Тасвирий санъат галереясининг учта залида намойиш этилди.

Беғубор болалик тасавури билан чизилган бир-биридан қизиқarli ва чиройли бу суратларни И.Бурмакин, Д.Уразаев, Р.Азизов, А.Алиқулов, Ю.Логвинна каби танлики расмлардан иборат хайбат баҳолиди. Ғолиблар учун 9 та олтин, 9 та кумуш, 9 та бронза медаллар, 50 та тангалар таъсис этилган. Энг яхши иш соҳибини эса Гран-при қўпятиди. Шунингдек, “Мавзунини яхши ёритгани учун”, “Юксак маҳорат билан баҳарилган асар учун”, “Ижодий фантазия учун” номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Бугун Тасвирий санъат галереясида “Тошкент қувончлари” биеналесини ғолибларини тақдирлаш маросими бўлади.

Тел: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87



Оттабек УСМОНОВ



БУКИНГЕМ САРОВИДАН МАКТУБ

Машхур инглиз драматурги Шекспир асарлари Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимасида ўзбек тилида чоп этилганидан хабарингиз бор. Яқинда шoir номига Буккингем саройидан мактуб келди.

“Мухтарам Жамол Камол. Кириқча жаноби олиялари мактубингиз ва уч жилдан иборат Шекспир асарларини юборганингиз учун ташаккур айтади, ҳат ёзишни менга топширдилар. Жаноби олиялари Шекспир асарларини ўз она тилингизга ўгириб, тақдим этганингиздан бағоят мамнун эканлигини баён этилди. Бу чиндан ҳам ажайиб муваффақият. Кириқчага кўрсатган эҳтиромингиз ва эзгу тилақларингиз учун Сизга ўз ташаккуримни изҳор этаман.

Самимий эҳтиром ила: Ричард Элтон, сарой хоними.

2008 йил, ноябр, 24”



БИДИРИШ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Халқаро алоқалар ва бадий таржима кенгаши қошидаги **“Ёш таржимонлар клуби”**нинг навбатдаги ййиғилиши Ўзбекистон миллий университетининг Хоржий филология факультетида 2008 йил 29 декабр соат 14.00 да бўлиб ўтади.

Қизиққанлар тақлиф этилади.

Манзил: ЎзМУ, Хоржий филология факультети биноси. (Метронинг «Беруний» бекати)

